

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ОМАНОВА ГУЛНОЗА АБДУНАЗАРОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ
МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Оманова Гулноза Абдуназаровна

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини
такомиллаштириш 3

Оманова Гулноза Абдуназаровна

Совершенствование менеджмента качества образования в дошкольных
образовательных организациях 25

Omanova Gulnoza Abdunazarovna

Improving the quality management of education in preschool educational
institutions..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ОМАНОВА ГУЛНОЗА АБДУНАЗАРОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ
МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори PhD диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PHD/Ped1511 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Мақсуджан Абдуллаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодирова Фатима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фаргона давлат университети

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси 6-уй. Тел.:(99871)227-12-52; факс:(99871)246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz)

Диссертация билан А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1677 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси 6-уй. Тел.:(99871)227-12-52; факс:(99871)246-06-69;

Диссертация автореферати 2021 йил «01» 07 кuni тарқатилди. ...
(2021 йил «01» 07 даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, с.ф.д., профессор

Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, с.ф.д., доцент

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда болаларни эрта ривожлантириш ҳамда уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш мақсадида таълим-тарбия жараёнларини самарали бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТ томонидан 2030 йилгача белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларида “ўқитишнинг самарали натижаларини таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш, болаларни мактабгача таълимдан бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш имкониятини яратиш”¹ долзарб вазифа этиб белгиланган. Халқаро тажрибалар мактабгача таълим соҳасида давлат ва нодавлат секторини ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилганлиги асосида мактабгача таълим сифати менежментининг самарали механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Дунё миқёсида таълим хизматлари сифати нуқтаи назаридан мактабгача таълим ташкилотларининг рейтинг ўрнини белгилаш, уларнинг ота-оналар ва бошқа ижтимоий шериклар билан ўзига хос муносабатлари, томонларнинг эҳтиёжлари ва талабларига асосланган ҳолда таълим сифатини лойиҳалаштириш ва бошқариш масалаларига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда мактабгача таълим сифатини ички ва ташқи баҳолаш, сифатга таъсир кўрсатувчи омиллар, баҳолаш мезонлари, самарадор баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар ва миллий ўзига хосликлар инobatга олинган илмий ишланмалар ва таълим дастурларини мактабгача таълим тизимига жорий этишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар “болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш”² каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Бу борада мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқариш тизимини ривожлантириш, илғор хорижий тажрибалар асосида натижага қаратилган таълим сифатини бошқаришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-

¹ Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 48 б.

² Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси: <https://lex.uz/docs/4327235#4328024>

тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”, 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид тадқиқотлар ўзбекистонлик педагог, психолог ва файласуфлар: Д.А.Абдурахимова, М.К.Абдуҳакимова, Ў.К.Адамова, З.Азизова, М.Асқарова, М.Асқархўжаева, Д.Р.Бабаева, Н.Х.Бегматова, У.Бўтаева, Ф.Б.Валихўжаева, Б.Джураева, Г.Назирова, Н.Режаметова, Т.С.Усмонхўжаев, М.Файзуллаева, Д.Ж.Шарипова, Қ.С.Шодиева, Ф.Р.Қодирова, Ш.Шодмонова, П.Юсупова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Республикада тадқиқотчилари Р.Аҳлидинов, Р.Жўраев, У.Иноятов, М.Юлдашев, Ш.Курбанов ва бошқалар, МДҲ олимлари П.Анисимов, Г.Бордовский, Д.Горбачевская, О.Назарова, М.Поташник, Л.Редько, П.Третьяков, шунингдек, хорижлик олимлар L.Harvey, J.Goldberg, Ch.Peng, D.Westerheijden, R.Wrightлар томонидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим ва малака ошириш муассасаларида сифат менежменти тизимини такомиллаштириш технологиялари ишлаб чиқилган, таълимда сифатни бошқариш, сифатни кафолатлашда аккредитациянинг ўрни, сифатнинг ташқи мониторинги, сифатни баҳолаш тизимлари, таълим жараёни иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва таълим сифатини назорат қилишнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган.

Таълим сифатини бошқариш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлишига қарамай, мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқариш жараёнларини тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаганлиги, бу соҳада амалиётга йўналтирилган чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг халқ таълими соҳасида бажарилиши лозим бўлган илмий-тадқиқот ишларининг “Ўрта таълим самарадорлиги ва сифатини аниқлаш механизмларини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш зарурати” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакатимиздаги мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати ҳолатини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш соҳасидаги халқаро тажрибаларни ўрганиш;

мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини баҳолаш усулларини тавсифлаш;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини мониторинг қилиш хизматининг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш моделини назарий-эмпирик жиҳатдан асослаш;

мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонларини замонавий менежмент талаблари асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқаришнинг самарали усуллари, мезонлари ва моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, аналитик обзор, кузатиш, ижтимоий сўров, анкета, ўрганиш, умумлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим сифатини баҳолаш усуллари болаларнинг ривожлантирувчи соҳаларини кузатув асосида назорат қилиш, боланинг шахс сифатида шаклланиши учун ривожлантирувчи муҳитнинг яратилганлиги асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим сифатини бошқаришда комплекс ёндашувга (педагогик, психологик, тиббий-валеологик, моддий-техник, педагогларнинг ўзини-ўзи баҳолаши) асосланган мониторинг хизмати модели ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонлари фаолият самарадорлигини белгиловчи таълим-тарбия муҳити, миқдорга йўналтирилганлиги, нуфуз (рейтинг), ижтимоий алоқалар, педагоглар салоҳияти индикаторларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотларида ижтимоий буюртма ҳамда тарбияланувчи шахсига йўналтирилган, таълим-тарбия жараёнидаги номувофиқликларни коррекциялашга имкон берувчи жараёнли ёндашув асосида таълим сифатини бошқариш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини мустақил ва доимий ички баҳолаш асосида такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги асосланган;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқариш моделидан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жараёнли ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқариш модели, ушбу моделнинг ташкилий-педагогик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида педагогика назарияси, педагогик маҳорат, мактабгача таълим педагогикаси, тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси, таълим менежменти курслари мазмунини бойитишда, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, МТТ раҳбар ва мутахассислари иш тажрибасини оммалаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш тенденциясини тарбияланувчилар томонидан эгалланган академик билимлардан ўқув-тарбиявий муҳит ҳамда ташкилотнинг ижтимоий алоқаларига йўналтиришга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон қарори билан тасдиқланган “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти” мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 03-03/1-1615-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларида ўз-ўзини баҳолаш (ички назорат) орқали таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишида шахсга йўналтирилган индивидуал ёндашув асосида таълим жараёнини режалаштириш, болаларда ижодий ўзини кўрсатиши учун

шароитлар яратишга асосланган педагогик кузатувлар асосида таълим жараёнини такомиллаштириш имконини берган;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолашнинг замонавий мезонлари (МТТ хизматларининг мижозга йўналтирилганлиги, нуфуз, ижтимоий ҳамкорлик, тарбияланувчининг саломатлиги, раҳбарлик қилиш)га оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019 ва 18-к/қ-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари” мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 02-02/2-29-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш таълимни ташкил этиш билан боғлиқ ноанъанавий, ижтимоий аҳамиятга эга сифат мезонлари асосида такомиллаштиришга эришилган;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини ички баҳолаш билан боғлиқ таклифлар асосида мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини мониторинг қилиш хизмати ташкил қилинган ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 02-02/2-29-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш ва уни бошқаришнинг самарали механизми яратилган ҳамда жамоатчилик назорати механизмлари такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш, сифатни баҳолаш мезонлари, модели ҳамда сифатни бошқариш билан боғлиқ таклифлар асосида мактабгача таълим ташкилотлари учун “Ўйин ва Таълим” вариатив ўқув дастури ишлаб чиқилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 03-03/1-1615-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш жараёнлари боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ҳар томонлама ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, болаларнинг илк ривожланиши масалаларида оила ва жамият билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва амалга ошириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва биттаси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 129 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштиришнинг илмий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган, мактабгача таълим сифати ва таълим сифати менежментига нисбатан инновацион ёндашувлар ўрганилган, мактабгача таълим сифатини бошқариш соҳасида хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил қилинган.

Мактабгача ёшдаги болада шакллантириладиган ижтимоий кўникмалар, одоб-ахлоқ меъёрлари, атроф-оламни билишга бўлган қизиқиш ва интилишлар узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичларида эгалланадиган академик билимлар, компетенциялар кўламини белгилаб бериши сабабли баркамол шахсни шакллантиришда мактабгача таълим тизими муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим тизимини жадал ривожлантириш, тизимда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни комплекс бартараф этиш, болаларнинг мактабгача таълим тизимига янада кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, мактабгача таълимга болалар қамровини кенгайтириш, мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, тарбияланувчиларни сифатли овқатлантириш каби йўналишларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Мана шундай шароитда навбатдаги долзарб вазифа сифатида мактабгача таълим ташкилотларида ўқув-тарбиявий жараён сифатини таъминлаш, мазкур жараён самарадорлигини ошириш, тизимда сифат менежментини такомиллаштириш муҳим зарурат сифатида кун тартибига чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорларида мазкур масалага алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон қарори билан тасдиқланган **“Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастур”**нинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишларидан бири сифатида мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг

қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини, боланинг ривожланиши ва унинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини комплекс баҳолашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланди.

Ўрганишлар ва таълим амалиётидаги мавжуд ҳолат таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари томонидан таълим сифатини йиллик ички баҳолаш тизимли равишда ўтказилмайди.

Бугунги кунда тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан мактабгача таълим ташкилотлари 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказилди, ички баҳолаш ҳам ташқи баҳолашдан олдин 5 йилда бир марта ўтказилади. Чунки, ҳар йилги ички баҳолашни ўтказиш учун маълум бир механизм мавжуд эмас.

Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим ташкилотларида ички баҳолашни ўтказувчи, ташкилот фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш асосида таълим сифатини бошқарувчи ташкилий тузилмага эҳтиёж бор деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот ишида асосий тушунчалар талқини муҳим аҳамиятга эга. Сифат хосса, хусусият, хислат, характерни ифодалаб кўрсатадиган сўз бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да молнинг, маҳсулотнинг ёки ишнинг яроқлилик даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгиловчи хусусияти маъноларида келтирилади.

“Таълим сифати”га адабиётларда берилган таърифлар таҳлили мазкур тушунчанинг кенг ва тор доирада талқин этилишини кўрсатади. Педагогика фанидан изоҳли луғатда таълим сифатига таълим жараёнининг турли қатнашчиларини ўқув муассасаси томонидан кўрсатилган таълим хизматларидан қониқиш даражаси ёки таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришганлик даражасидир, дея таъриф берилади.

Бизнинг фикримизча, таълим сифати, бу – нафақат тарбияланувчилар томонидан эгалланган билим ва компетенцияларнинг давлат талабларига мослиги, балки мактабгача таълим ташкилотининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти ҳамдир. Шунингдек, замонавий таълим муассасасида таълим сифати эришилган миқдорий ва сифат натижаларининг даражасини, таълим жараёнини ташкил этиш ва мазкур жараён амалга ошадиган шароитларни акс эттирувчи тавсифлар тўпламида ифодаланадиган мақсад ва натижаларнинг нисбати сифатида аниқланади.

Мактабгача таълимнинг сифати – бу мактабгача таълим ташкилоти фаолияти самарадорлигининг умумлаштирилган ўлчови бўлиб, у истеъмолчилар ва давлат талабларига жавоб берадиган таълим хизматлари даражасини кафолатлашда намоён бўлади.

Тадқиқотлар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати менежменти, бу – ижтимоий буюртма асосида таълим сифатини лойиҳалаштириш; тарбияланувчилар учун етарли шарт-шароитлар ва ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш; таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш; ўзгаришларни мониторинг қилиш; натижаларни таҳлил қилиш, номувофиқликларни коррекциялаш ва бошқариш жараёнларидир.

Тадқиқот иши доирасида мактабгача таълим сифати менежменти йўналишида АҚШ ва Сингапур тажрибалари ўрганилди. Ўрганишлар асосида, биринчи навбатда, ривожланган таълим тизимига эга бўлган давлатларда мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш юзасидан мезон сифатида белгиланган сифат кўрсаткичлари бўйича бир қатор хулосалар чиқарилди:

аксарият ҳолларда тарбияланувчиларнинг ютуқлари мактабгача таълим ташкилотининг сифати тўғрисида хулоса чиқариш учун асос ҳисобланмайди. Тарбияланувчиларнинг натижаларини таҳлил қилиш фақат АҚШда қисман баҳолаш тизимларига киритилган. Мониторингнинг марказий объекти “муҳит кўрсаткичлари”дир – таълим-тарбия муҳитини ташкил этиш, ижтимоий алоқалар, жиҳозлар, хавфсизлик ва ходимларнинг малакаси;

“Раҳбарлик” кўрсаткичи диққатга сазовордир. Айниқса унга Сингапурда катта эътибор қаратилади: болалар боғчаси ёки парваришлар марказининг раҳбари ўзининг касбий фаолияти давомида ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эгами ёки йўқми, уни жамоа қандай қабул қилади, ушбу стратегия қандай ташкилий ва молиявий таъминланади. Раҳбарнинг ташаббускорлиги, педагогик жамоа ва тарбияланувчилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш – бу ташкилот томонидан тақдим этилаётган таълим сифатини оширишнинг асосий шартидир;

мактабгача таълим ташкилотининг жамият, ташкилотлар ва ота-оналар билан дўстона алоқалари, уларнинг болалар жамоаси ҳаётида иштирок этиш даражаси таълим сифатининг муҳим кўрсаткичидир.

Шундай қилиб хорижий мамлакатларда мактабгача таълим сифатини баҳолаш жараёни нафақат давлат ташкилотлари ёки ота-оналар томонидан, балки мустақил ташкилотлар, уларнинг вакили бўлган мактабгача таълим соҳасидаги малакали етук мутахассислар томонидан амалга оширилади ва бу сифатни, унинг натижаларини мустақил баҳолаш хусусиятларини, мактабгача ёшдаги болаларнинг уйғун ривожланиши учун эҳтиёжларни қондириш бўйича таълим хизматларини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини баҳолашнинг замонавий усуллари очиб берилган. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш мезонлари ҳамда таълим сифатини бошқариш модели асосланган.

Таълим сифатини баҳолашда мазкур жараёнда қўлланиладиган усуллар муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда таълим сифатини баҳолашга турли хил ёндашувлар ва ушбу ёндашувларни амалга оширадиган усуллар мавжуд.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини назорат қилишнинг асосий усуллари болалар фаолияти натижаларини ўрганиш; ўйин, тест топшириқлари; назорат ва баҳолаш машғулотларини ўтказиш; педагоглар, ота-оналар ва болалар билан суҳбат; сўровнома ўтказиш; ҳужжатларни таҳлил қилишдан иборат.

Таълим муассасасининг ҳолати тўғрисида аниқ маълумотларни олиш ва асосланган қарорларни қабул қилиш мониторинг тизими орқали таъминланади.

Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилишнинг қуйидаги тамойилларини белгилаш мумкин: илмий далилларга асосланган кузатишни ташкил этиш имконини берувчи илмийлик; узлуксизлик, мактабгача таълим ташкилотида ўқув жараёнининг сифатини доимий баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш; мумкин бўлган оқибатларни башорат қилишни таъминлайдиган башорат қилиш; мониторинг технологиялари, усуллари ва воситаларини доимий равишда янгилаб боришни талаб қиладиган ривожлантирувчи; бола шахси, педагог, ота-она, уларнинг қизиқишлари, ҳуқуқлари, бурчларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминловчи инсонпарварлик; таълим сифати мониторингини ташкил этиш учун ўқув жараёнининг барча субъектларини жалб қилишни талаб қиладиган жамоавийлик.

Мактабгача таълим сифатини мониторинг қилишнинг қуйидаги функциялари мавжуд: мактабгача таълимда таълим сифатининг тўлиқ тавсифини берадиган интегротив; ўқув жараёни сифатига объектив баҳо беришга имкон берадиган диагностик; ўқув жараёнининг сифатини текширишга имкон берадиган эксперт; мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати тўғрисида асосли маълумотни мунтазам равишда олиш имконини берадиган ахборот; ташкилотда юқори сифатли таълим хизматларига эришишга қаратилган, ўз вақтида объектив қарорларни қабул қилиш учун мониторинг маълумотларидан фойдаланишга имкон берадиган прагматик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда мактабгача таълим амалиётида таълим сифатини доимий баҳолаш механизми мавжуд эмас. Мавжуд камчиликни тўлдириш мақсадида ҳар бир мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш хизматини ташкил этиш мумкин.


Бизнинг фикримизча, мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш хизматининг моделини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш хизмати томонидан қуйидаги вазифалар босқичма-босқич амалга оширилади:

1. МТТнинг сифатни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини белгилаб олиш.

2. МТТ раҳбарияти ва ходимларининг таълим сифатини ривожлантириш бўйича билим ва малакаларини ривожлантириш.

3. Сифат менежменти тизимини йўлга қўйиш учун МТТнинг таълим сифатини мониторинг қилиш хизматини жорий этиш ҳамда унинг вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш.



1-расм. Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш хизмати модели

4. МТТда таълим сифатининг амалдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида ўзини-ўзи баҳолашни амалга ошириш.

5. Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини такомиллаштиришга хизмат қилувчи фаолият йўналишларини аниқлаш.

6. Мактабгача таълим ташкилотида сифат менежментининг йўриқномасини, тартиби ва тамойилларини ишлаб чиқиш.

7. Мактабгача таълим ташкилотида Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ҳамда буюртмачиларнинг эҳтиёжларига асосан таълим сифатини баҳолаш мезонларини, мазкур мезонларни ҳисоб-китоб қилиш методикасини ишлаб чиқиш, баҳолаш ишларини ўтказиш.

8. Баҳолаш натижаларига асосан мактабгача таълим ташкилоти томонидан кўзланган мақсад ва вазифаларга мос келмайдиган ҳолатларни аниқлаш, уларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаш, бартараф этиш, таълимни ташкил этиш, мазмун ва методикалар билан боғлиқ жараёнларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилган мазкур таълим сифатини мониторинг қилиш хизмати ўз навбатида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими, мактабгача таълим бошқармаси ва вазирликнинг тегишли таркибий бўлими олдида ҳисобдор бўлади.

Таълим босқичларидаги таълим сифатини баҳолаш усуллари ва методологиясига ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти мослашувчан моделларга асосланган бўлиб, сифатни баҳолаш кўрсаткичлари ўзгарувчандир. Шундай қилиб, бугунги кунда таълим сифатини баҳолашда қатъий меъёр, кўрсатма, рецепт услубидан воз кечиш тенденцияси мавжуд. Мазкур ҳолат бизга педагогик тизимларнинг самарадорлигини баҳолашнинг статистик усулларида ташкилотда яратилган ўқув муҳитини,

тарбияланувчининг ривожланишини баҳолашга ўтишимизга имкон беради.

Педагогик тадқиқотларда педагогик ҳодиса ва жараёнларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 16-мх, 16, 19-мх, 12-2019 ва 18-қ/қ-сон қарори билан тасдиқланган таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларига асосан мактабгача таълим ташкилотлари аттестациядан ўтказилади.

Мазкур мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларига кўшилган ҳолда, уларни замонавий тенденциялар асосида такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаймиз. Баҳолаш мезонлари таркибига замонавий менежмент талаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг ижтимоий алоқалари бўйича қуйидаги сифат мезонларини киритиш мақсадга мувофиқ:

1. Мактабгача таълим ташкилотининг узлуксиз таълимни амалга ошириши. Бу ерда узлуксиз таълим деганда таълимнинг ҳар бир босқичида боланинг ривожланишидаги узлуксизликни таъминлаш учун тизим таркибий қисмларининг (мақсадлар, вазифалар, мазмун, услублар, воситалар, таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари) алоқаси, изчиллиги ва истиқболлари тушунилади.

Мактабгача ва бошланғич таълим муаммолари бир-биридан ажратилган ҳолда ҳал этилмаслиги керак, чунки умумий ўрта таълим сифати мактабгача таълим тизимида тайёрланган болаларнинг ривожланиш даражасига ҳар томонлама боғлиқ.

2. МТТ хизматларининг мижозга йўналтирилганлиги. Кўрсатиладиган мактабгача таълим хизматларининг сифат кўрсаткичларидан бири бу хизматларнинг мижозлар – оилалар манфаатлари билан ўзаро уйғунлиги, уларга йўналтирилганлигидир.

Ҳар бир мактабгача таълим ташкилотининг рақобатбардошлигини ошириш унинг нафақат мавжуд, балки истеъмолчиларнинг кутиладиган эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан боғлиқ. Таълим маркетинги мактабгача таълим ташкилотининг оилага мактабгача таълим дастурлари, технологиялари, шакллари танлаш имкониятини бериш орқали ота-оналарнинг мавжуд ва кутиладиган таълим эҳтиёжларига мос равишда жавоб беради.

3. Мактабгача таълим ташкилотининг жамиятдаги нуфузи. Ушбу кўрсаткич мактабгача таълим ташкилотига тарбияланувчилар оқими(талаб)нинг пасайиши ёки чиқиб кетиши билан намоён бўлиши мумкин. Бу мактабгача таълим ташкилоти фаолиятидан қониқиш ёки кўрсатилаётган таълим хизматларидан қониқмаслик билан ифодаланади.

4. Мактабгача таълим ташкилотининг ижтимоий ҳамкорлиги. Ушбу кўрсаткичнинг долзарблиги мактабгача таълим ташкилоти билан соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим ва маданият муассасалари, ижтимоий ҳимоя

органлари ўртасида очик алоқаларни кенгайтириш, таълимнинг кейинги босқичлари – мактаблар, коллежлар, университетлар ва бошқалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш тенденциялари ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

5. Мактабгача таълим муаммоларини ўрганувчи илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик. Бу ерда мактабгача таълим ташкилотлари базасида олимлар билан биргаликда мактабгача таълимнинг янги дастурлари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; мактабгача таълим ташкилотларининг мактабгача тарбия педагогикаси ва психологиясининг долзарб масалаларини муҳокама қиладиган илмий-амалий конференция, семинарларда иштироки каби масалалар назарда тутилган.

6. Тарбияланувчиларнинг саломатлиги. Мактабгача таълимнинг сифати албатта соғлиқни сақлаш бўйича сифат кўрсаткичи мавжуд бўлгандагина тўлиқ бўлиши мумкин. Мактабгача таълим боланинг саломатлиги ва баркамол жисмоний ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Мактабгача таълим соҳасидаги таълим дастурлари боланинг соғлиғини сақлаш ва яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

7. Ўқув жараёнининг салбий таъсири. Мактабгача таълим ташкилотидаги ўқув машғулотлари болаларнинг ривожланиши учун салбий таъсирга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу ортиқча ўқув юкмаси натижасида тарбияланувчилар соғлиғида нуқсонларнинг пайдо бўлиши, муассасага боришни истамаслик шаклидаги руҳий қийинчиликлар бўлиши мумкин.

8. Педагогларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки. Мактабгача таълим ташкилотининг замонавий педагоги доимо изланишда бўлади, у мактабгача таълим ва болаларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни фаол равишда ўрганади, ишлаб чиқилган муаллифлик дастурларини синовдан ўтказиши.

9. Мактабгача таълим ташкилотига раҳбарлик қилиш. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг касбий фаолияти ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эгаллиги, жамоанинг уни қандай қабул қилиши, ушбу стратегияни ташкилий ва молиявий таъминлаш манбаларининг мавжудлиги билан баҳоланади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва ўрганишлар таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари тўғрисида қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг замонавий тенденциялари тарбияланувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашни эмас, балки таълимни ташкил этиш билан боғлиқ ноанъанавий, ижтимоий аҳамиятга эга сифат мезонлари ва кўрсаткичларини илгари сурмоқда;

турли хил баҳолаш объектлари (тарбияланувчи, ота-она, ўқув муассасаси) учун таълим сифатини баҳолашнинг ҳар хил мезонлари ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда таълимнинг кутилаётган барча натижалари ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, ўқув жараёнидаги ноқулайликлар ва салбий оқибатларга олиб келадиган шароитларни бартараф этиш ва камайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

ИСО 9001: 2000 халқаро баҳолаш стандартига мувофиқ мактабгача таълим ташкилоти сифатни таъминлаш учун зарур бўлган қуйидаги асосий вазифаларни бажариши керак: жараёнларнинг кетма-кетлигини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; ушбу жараёнлар ва уларни бошқариш самарадорлиги учун зарур бўлган мезон ва усулларни аниқлаш; жараёнларни амалга ошириш ва уларнинг мониторинги учун зарур бўлган ресурслар ва маълумотларни олиш; жараёнларни кузатиш, ўлчаш ва таҳлил қилиш, шунингдек режалаштирилган натижаларга эришиш ва ушбу жараёнларни доимий равишда такомиллаштириш учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш.

Мактабгача таълим тизимидан кутилган мақсадларга асосланиб мактабгача таълим сифатини бошқариш модели мижозларга (шахсга, жамиятга, давлатга) йўналтирилган бўлиши керак. Мазкур ҳолатда таълим сифати инсон эҳтиёжларини қондиришга ҳисса қўшадиган, жамият ва давлат манфаатларига жавоб берадиган таълим хусусиятлари ва уларнинг намоён бўлишидир.

Юқоридаги фикрларга асосан мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини бошқариш модели ишлаб чиқилди (2-расм). Ушбу модел бир нечта компонентлардан таркиб топган:

1. Таълим хизматлари мижозларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш.

Хизматлар бозорининг фаол ривожланиши шароитида мактабгача таълим ташкилоти жамоаси қуйидаги вазифаларни бажаради: хизматлар бозорини ўрганади, тақдим этилаётган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни тарқатади (реклама), таълим хизматлари учун мижозларни топади ва ташкилотга жалб қилади.

Мактабгача таълим ташкилотининг рақобатбардош бўлиши унинг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш қобилиятига ҳар томонлама боғлиқ.


Мазкур жараёнда мактабгача таълим ташкилоти Кузатув кенгаши ташкилотнинг педагогик жамоаси билан биргаликда ота-оналар ўртасида суҳбатлар, анкета сўровлари ўтказиш орқали уларнинг таълим эҳтиёжларини ўрганади. Аниқланган эҳтиёжлар ва уларнинг таҳлили асосида мактабгача таълим ташкилотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланади.

2. Шакллантирилган ижтимоий буюртма асосида МТТ ўз фаолиятини, унинг асосий мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилайди.

Ҳар бир мактабгача таълим ташкилоти бугунги кунда ўз эҳтиёжларини аниқ билиши, ўз мақсади, вазифаларини аниқ белгилаши, фаолият йўналишларига эга бўлиши, ўқув йили бошланишидан олдин уларни мижозларга маълум қилиши, таълим натижаларини ҳамда ҳудуддаги рейтинг ўрнини эълон қилиши керак.

3. Мактабгача таълим ташкилотининг асосий мақсади ва вазифаларига мувофиқ ўқув дастурлари ва технологияларини танлаш ёки ўз ўқув дастурини ишлаб чиқиш.

Таълим ва тарбия дастури мактабгача таълим ташкилоти фаолиятининг энг муҳим қисмидир. Ҳозирги кунда мактабгача таълим ташкилотларида болаларга таълим ва тарбия бериш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича турли



2-расм. Мактабгача таълим сифатини бошқариш модели

хил вариатив ўқув дастурлари ва қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу барча ўқув дастурлар мактабгача таълим ташкилотида педагогик жараёни ташкил этишга бўлган турли хил ёндашувларни намоиш этади. Шу боисдан педагоглар ўзларининг мактабгача таълим ташкилоти учун энг мақбул ўқув дастурини танлашлари ёки ишлаб чиқишлари керак.

4. Таълим жараёнини моддий, молиявий, техник, услубий жиҳатдан таъминлаш. Ҳозирги шароитда таълим жараёнини ташкил қилишнинг моддий шароитлари алоҳида аҳамиятга эга. Энг аввало, мактабгача таълим ташкилотида боланинг саломатлигини сақлаш омиллари: тоза ҳаво, тоза ҳудуд, меъёрдаги ҳарорат ва ёруғлик билан таъминланадиган хоналар бўлиши лозим.

Тарбияланувчиларнинг ривожланиш муҳитига қўйиладиган талабларга мувофиқ мактабгача таълим ташкилоти биноси, шунингдек, машғулот ва ётоқхоналарда яратилган шароитлар боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва руҳий фаровонлигини, унинг қизиқишлари ва эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлаши керак.

5. Малакали кадрларни танлаш, узлуксиз малака оширишни ташкил этиш.

Педагог ходимларнинг малакаси таълим сифатига эришишнинг муҳим омилдир. Мактабгача таълим ташкилотида методик ишларнинг ҳар хил шаклларида фойдаланган ҳолда кадрлар салоҳиятини ошириш имконияти мавжуд: методик бирлашмалар, педагогик кенгашлар, устоз-шогирд мактаблари, методик семинарлар, педагогик маҳорат дарслари.

Мактабгача таълим сифатини бошқаришни муваффақиятли амалга ошириш учун касбий тайёргарлиги ва малакаси мактабгача таълим ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ўқув дастури ва ўқитиш технологияларига мос келадиган педагоглар таркибини танлаш зарур.

6. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишининг бошланғич даражасини аниқлаш. Бу тарбияланувчининг таълим ва тарбия имкониятларини, унинг қизиқишларини, мойиллигини, эҳтиёжларини, жисмоний ривожланиш даражасини ташхис қилишни аниқлатади. Болаларни педагогик диагностика қилиш уларга таълим-тарбия жараёнида индивидуал ёндашувни амалга ошириш ҳамда ривожланиш кўрсаткичларидаги дастлабки ҳамда якуний натижаларни солиштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

7. Мактабгача таълим сифатини бошқариш моделининг энг муҳим таркибий қисми таълимни ташкил этиш ҳамда уни доимий назорат қилиш жараёнларидир.

Таълим-тарбия жараёни натижасида тарбияланувчиларнинг билимлари, кўникмалари, компетенциялари ривожланади, уларнинг ижтимоий ва ҳиссий ривожланиши амалга оширилади.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида болаларнинг қобилиятлари ва манфаатларига мос равишда ривожланишлари учун шароит яратишга, яъни шахсга йўналтирилган таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан асосий мақсад тарбияланувчининг аниқ белгиланган ҳажмда билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши эмас, балки боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун керакли шароитларни яратишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълимни ташкил этиш ва уни назорат қилиш ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи узлуксиз жараён бўлиши зарур. Таълим жараёнини назорат қилиш Илк ва мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларининг бажарилиши, эришилган жорий ва оралиқ натижалар тўғрисида аниқ маълумотлар олиш имконини беради.

Таъкидланганидек, таълим сифати мақсад ва натижа нисбати, мақсадга эришишнинг ўлчови сифатида талқин қилинади. Агар олинган натижалар кутилган натижаларга, яъни мақсадларга тўғри келмаса, Давлат талабларига номувофиқликлар сабабларини таҳлил қилиш жараёни амалга оширилади. Бошқариш функцияси таҳлил функциясига ўтади.

Номувофиқликлар сабаблари аниқланганидан сўнг, уларни бартараф этиш бўйича тузатиш чоралари ишлаб чиқилади, улар ўқув жараёнини такомиллаштиришга, педагогларнинг касбий тайёргарлигини оширишга, таълим ва тарбия шакллари ва усулларига қаратилган бўлиши мумкин.

8. Ўқув йили якунида тарбияланувчиларни якуний ташхислаш.

Тарбияланувчиларни якуний ташхислаш болаларнинг ижтимоий, когнитив ва жисмоний ривожланишини кузатиш, баҳолаш имконини беради. Ташхислаш натижалари асосида эришилган ва кутилган натижаларни ўзаро таққослаб, педагогик жараённинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш даражасини аниқлаш мумкин.

